*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 январдан чиқа бошлаган. | № 268 (6. 159) | 1986 йил 22 ноябрь, шанба | Баҳоси 3 тийин

## Замондошимиз



## СИФАТ—БОШ МЕЗОН

«Миконд» заводининг пешқадам коллективлари ҳақида гап кетганда биринчи навбатда Камолиддин Кўчқорович Тошпўлатов бошлиқ бригадани тилга олишади. Бунинг боиси бор. Бутун корхона учун асбоб-ускуналар тайёрлаб бераётган мазкур бригада «Коммунистик меҳнат коллективи» деган юксак унвонни мана бир неча йилдан бери шараф билан оқлаб келмоқда.

Мазкур силлиқловчилар бригадасида 6 нафар ишчи меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бири ўз касбининг устаси бўлганлиги учун коллектив смена ва ойлик топшириқларини мунтазам 140 процентга етказиб адо этмоқда. Аммо ана шу илғорларнинг ҳам тенглашса арзийдиган ўз машъаллари бор. Бригада етакчиси коммунист Камолиддин Тошпўлатов, меҳнат ветерани Евгений Северин, Ҳотам Комиловлар шулар жумласидандир. К. Тошпўлатов билан Е. Северин техника назорати бўлимининг ишонч ёрлиғига эга бўлганликлари учун тайёр маҳсулотларни шахсий тамға билан топширадилар.

— Бригадамиз ягона наряд асосида ишлайди, — дейди бригада етакчиси. — Шу кунларда бутун ғайрат-эътиборимиз браксиз маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган. Бриганинг ҳар бир аъзоси шахсий тамға билан меҳнат қилишига эришиш ниятидамиз. Маҳсулот сифати — меҳнат фаолиятимизнинг асосий мезонидир.

Коммунист К. Тошпўлатов корхонанинг ижтимоий ҳаётида ҳам фаол иштирок этади. У цех касаба союз комитетининг аъзоси сифатида техника хавфсизлиги масалалари билан шуғулланади. Техника хавфсизлиги қоидаларининг бирорта ҳам бузилиши унинг эътиборидан четда қолмайди.

СУРАТДА: коммунист К. Тошпўлатов.

Т. Каримов фотоси.

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 20 ноябрдаги мажлисида саноат министрликларининг бирлашмалари ва корхоналарида маҳсулотнинг давлат қабулини жорий этиш масалаларига бағишлаб, КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгаш якунларини муҳокама қилди. Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, маҳсулот сифатини яхшилаш жадаллаштириш стратегиясининг, халқ хўжалигини тубдан қайта қуришга, совет кишилари фаровонлигини оширишга қаратилган партия йўлининг ажралмас қисмидир. Министрликлар ва идораларнинг, СССР Стандартлар давлат комитетининг, бирлашмалар ва корхоналарнинг, касаба союзларининг раҳбарларига 1987 йил январидан бошлаб маҳсулотнинг давлат қабулини жорий этишга тайёргарлик ишларини кучайтириш тавсия қилинди. Сиёсий бюро бу иш корхоналар ва бирлашмаларни тўла хўжалик ҳисоби, маблағ билан ўзини-ўзи таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш принципига ўтказиш, уларнинг мустақиллиги ва жавобгарлигини ошириш билан мустаҳкам боғлаб олиб борилиши зарурлигини таъкидлади.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари давлат қабули кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг юксак даражада бўлишини таъминлашлари, меҳнат коллективларида давлат қабулининг мақсад ва вазифаларини тушунтириб, тарбиявий ишларни кучайтиришлари, маҳсулот сифатини яхшилашнинг ҳал қилувчи омили бўлган тартиб ва интизомни бутун чоралар билан мустаҳкамлашга эришишлари зарурлиги уқтириб ўтилди.

Сиёсий бюро Пермь область партия комитетининг иши тўғрисидаги ҳисоботни эшитиб, область партия ташкилоти КПСС XXVII съездидан кейин вужудга келган қулай имкониятлардан иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни сифат жиҳатидан чуқур ўзгартириш учун ҳали тўла фойдаланмаётганлигини таъкидлади. Область партия комитети умумпартиявий йўл-йўриқларни амалий ҳаракатлар ўзанига жуда секинлик билан ўтказмоқда, съезд кўрсатмалари, ундаги юксак маънавий вазият, принципиаллик ва талабчанлик ҳар бир партия комитетида, ҳар бир бошланғич партия ташкилотида қарор топиши учун кам иш қилмоқда.

Область партия комитетлари кейинги йилларда экономика ва социал соҳа секин суръатлар билан ривожланганлигидан тегишли сабоқ чиқариб олмадилар, турғунлик ҳодисалари сабабларини узил-кесил очиб ташламадилар. Инсон омилини активлаштириш, Пермь областида барпо этилган қудратли ишлаб чиқариш ва илмий потенциалдан янада самарали фойдаланишнинг асосий проблемалари эътибордан четда қолиб кетмоқда. Партия, совет, хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг ишлари ҳали меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, иқтисод режимини кучайтириш резервларини қидириб топиш ва ишга солишга етарли даражада қаратилмаган. Кўпгина корхоналарда давлат, план интизоми аҳволи яхшиланмаяпти.

Қабул қилинган қарорда экономика ва социал соҳани ривожлантиришдаги жиддий камчиликлар биринчи навбатда область партия комитети, унинг бюроси иш услубида жиддий ўзгаришлар бўлмаётганлиги сабабли юз берганлиги кўрсатиб ўтилади. Область партия комитети ва унинг бюроси иши ҳали кишилар билан иш олиб боришга, жонли ишга тўла қаратилган эмас. Кескин масалаларни четлаб ўтиш, ўртача натижалар билан кифояланишнинг қарор топган одати ўз таъсирини кўрсатмоқда. Партия комитетлари кўпинча совет, касаба союз ва хўжалик органларининг ишини бажармоқдалар, шу йўл билан уларнинг ўз ишларини қайта қуришларини, ташаббускорлик ва мустақилликни ривожлантиришни секинлаштириб қўймоқдалар. Кадр масалалари аввалгидек ҳозир ҳам тегишли даражада принципиаллик ва изчиллик кўрсатилмай ҳал қилинмоқда.

Сиёсий бюро Пермь область партия комитети, унинг бюроси, область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Б. В. Коноплевнинг диққат-эътиборини ишдаги жиддий камчиликларга, партия, совет, хўжалик органлари, область бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективлари фаолиятини қайта қуришдаги сусткашликка ҳамда изчиллик йўқлигига қаратди. КПСС область комитетига ўз фаолияти мазмуни ва методларини, шунингдек маҳаллий партия органларининг съезддан кейинги даврдаги ишларини чуқур ҳамда танқидий таҳлил этиб, камчиликларни бартараф қилиш юзасидан конкрет чораларни амалга ошириш тавсия этилди. Партия комитетлари ҳамма жойда коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг жадаллаштириш учун курашда ижодкорлик ва манфаатдорлик билан иштирок этишлари вазиятини вужудга келтиришлари, юқоридан ва қуйидан қайта қуришни актив олиб боришлари, кенг ошкораликни таъминлашлари, танқид ва ўз-ўзини танқидни бутун чоралар билан ривожлантиришлари, сўз билан иш бирлигига эришишлари кераклиги таъкидлаб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Россия Федерациясида уй-жойлар, социал-маданий объектларни реконструкциялаш ва капитал ремонт қилишни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Қарорда бу соҳада ягона техника сиёсатини ўтказишни ҳамда пудрат шартномалари юзасидан тегишли ишларни амалга оширишни РСФСР Уй-жой-граждан қурилиши министрлиги зиммасига юклаш кўзда тутилган. Бунда 1990 йилга бориб, уй-жойларни капитал ремонт қилиш ҳажмини анча кўпайтириш, шунингдек уларни реконструкциялаш ва модернизациялашни бирмунча кенгайтириш кўзда тутилади.

Сиёсий бюро мажлисида КПСС делегациясининг Финляндия Социал-демократик партияси делегацияси билан музокаралари ҳамда ўртоқ Е. К. Лигачевнинг Финляндия Президенти М. Койвисто билан учрашуви якунлари кўриб чиқилди. Совет Иттифоқи қўшни Финляндия билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга ғоят катта аҳамият бераётганлиги таъкидлаб ўтилди. Кўп йиллик тажриба, Совет ва Финляндия халқларининг ўзаро ишончи, уларнинг узоқ муддатли манфаатларининг ўхшашлиги мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада юксак даражага кўтаришга имкон беришига, тинч-тотув яшаш ва кескинликни юмшатиш сиёсати истиқболли эканлигини яна бир бор тасдиқлашга ишонч изҳор этилди. Совет Иттифоқининг Шимолий Европа регионида хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган янги қадамлари (бу ҳақда Хельсинкида гапирилган эди), ана шу регионни ядросиз зонага айлантириш билан боғлиқ бўлган ташаббуслари халқаро майдонда ижобий баҳоланаётганлиги мамнуният билан таъкидлаб ўтилди.

Ўртоқ Г. А. Алиевнинг КПСС делегациясининг Лаос Халқ-революцион партияси IV съезди ишидаги иштироки ва делегациянинг ўртоқ Қ. Фомвихан, Лаоснинг бошқа раҳбарлари билан суҳбатлари тўғрисидаги ахбороти тингланди. КПСС билан ЛХРП, Совет Иттифоқи билан Лаос Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принциплари асосида бундан буён ҳам янада мустаҳкамлашга, мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликни мустаҳкамлаш учун ҳамма зарур ишларни қилишга қатъий қарор берилганлиги тасдиқланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида совет экономикасини ривожлантиришнинг, кадрлар сиёсатининг, мамлакатимиз ташқи сиёсий йўлини амалга оширишнинг бошқа баъзи масалалари ҳам муҳокама қилинди.

**КПСС XXVII съезди қарорлари — ҳаётга!**

**Бир корхона янгиликлари**

## ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Давлат қабулига ўтишга тайёргарлик, уни жорий этиш «Миконд» заводи маъмурияти ва партия комитетининг диққат марказида турибди. КПСС Марказий Комитетида шу масала бўйича бўлиб ўтган кенгаш якунларига бағишлаб корхона партия комитети семинар ташкил этди. Унда кенгаш якунлари ва ундан келиб чиқадиган вазифалар атрофлича кўриб чиқилди.

Корхона партия комитети давлат қабулини жорий этишга тайёргарлик масаласини бир неча бор муҳокама қилди. Масалан, шу йилнинг июль ва август ойларида корхона бош инженери, коммунист Г. А. Плетминцев ҳамда корхона бош директорининг сифат бўйича ўринбосари Б. А. Пякнинг ҳисоботи тингланган эди. Яқинда бўлиб ўтган семинарга эса корхонанинг цех партия ташкилоти секретарлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг етакчилари таклиф этилди.

Унда завод партия комитетининг секретари Ш. У. Саидов корхонада давлат қабулини жорий этиш муваффақияти унга ҳар томонлама қизғин тайёргарлик кўрилишига боғлиқ эканлигини, бу борадаги актуал ва конкрет вазифаларни айтиб ўтди. Партком шу масала билан боғлиқ тадбирларни ишлаб чиқди.

## ИДЕОЛОГИЯ ИШИ— ЭЪТИБОРДА

КПСС XXVII съезди қарорлари асосида идеология ишларини янада кучайтириш ва бу борада қилинаётган ишлар таҳлили корхона партия комитетининг навбатдаги йиғилишида муҳокама этилди.

Унда 5-цех бошлиғи Т. Камаев, цех партия ташкилотининг секретари Т. Богдашкина, шунингдек 12-ва 8-цехдан кўпгина коммунистларнинг ҳисоботлари тингланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми идеология соҳасидаги ғоятда муҳим вазифаларни белгилаб берди. Қайта қуриш даврининг бу актуал вазифалари ишларни ҳар томонлама активлаштиришни, интизомни мустаҳкамлашни, иш сифатини тубдан яхшилашни ва бошқа омилларни талаб этиши йиғилишда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шу кунларда бутун эътибор ўқув машғулотлари савиясини оширишга, партия XXVII съезди қўйган вазифаларни амалга оширишга, меҳнат коллективларини сафарбар этишга қаратилмоқда.

**Ҳ. ИКРОМОВ.**

## МАШҒУЛОТЛАР БОШЛАНДИ

Корхонада партия ўқуви ва иқтисодий таълим шохобчаларида янги ўқув йили муваффақиятли бошланди. Завод партия комитети ўқиш йилига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрди. Айниқса, пропагандистларни танлаш ва тарбиявий ишига алоҳида аҳамият қаратилди. 110 пропагандист партком тасдиғидан ўтди.

Ҳозир 20 дан зиёд партия ўқуви группалари ва 50 дан ортиқ иқтисодий таълим группаларида машғулотлар қизғин боряпти.

Партия комитети пропагандистлар семинарини ташкил этди.

## ФОЙДАЛИ ТАВСИЯЛАР

Тошкентлик сейсмологлар тажрибаси молдавиялик мутахассисларга жуда қўл келди. Маълумки, мазкур республикада яқинда кучли ер ости силкиниши юз берган эди. Қардошлик ёрдамини бериш учун тошкентлик мутахассислар Кишиневга биринчилардан бўлиб етиб бордилар. Улар ўзлари билан сейсмологияга оид фойдали тавсияларни ҳам олиб боришди.

Бу ҳужжатлар алоҳида альбом ҳолида молдавиялик сейсмологларга тақдим этилди. Улар зудлик билан кўпайтирилиб, 250 дан ортиқ объектга тарқатилди. Зилзила оқибатларини бартараф этишда ўзбек мутахассисларининг тавсиялари катта ёрдам бермоқда.

## Янги илм масканлари

«Главташкентстрой» 2-уйсозлик комбинатига қарашли 4-қурилиш бошқармасининг Владимир Брюхнов етакчилик қилаётган қурувчилар Генерал Петров массивида 90 квартирали тўққиз қаватли турар жой биноси тиклашга киришдилар. Ҳозирча монтаж ишлари бажарилмоқда. Турар жой биноси 1987 йилнинг иккинчи кварталида фойдаланишга топширилади.

Унинг ёнида 1560 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб биноси ҳам қурилмоқда. Мактабни «Главташкентстрой» 159-қурилиш трестига қарашли 8-бошқарманинг коммунист Василий Шуваров бошлиқ комплекс бригадаси қурувчилари бунёд этишмоқда. Бу бригада уч йил мобайнида Оҳангарон шоссесида учта мактабни бунёд этди. Бригада 16 қурувчидан иборат. Яқинда бу ерда Николай Курач бошлиқ монтажчилар иш бошлаб юбордилар. Мактаб 1987 йил июнь ойида фойдаланишга топширилади.

**О. МАХМАЮСУПОВ.**

## Ҳамшаҳарларимиз муваффақияти

«Студент ва илмий-техника тараққиёти» шиори остида экономика, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш мутахассислиги бўйича Харьков шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ олимпиадасининг якунловчи тури ўзбекистонлик иқтидорли студентлар учун ҳам чинакам ижодий синов бўлди. Харьков инженерлик-экономика институти базасида ташкил этилган бу кўрикда Тошкент халқ хўжалиги институти, Тошкент политехника институти вакиллари ҳам ғолиб деб топилди.

Командалар мусобақасида республикамиз коллективи биринчи ўринни қўлга киритди. Ўзбекистонлик ғолиб студентлар СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ва ВЛКСМ Комитетининг биринчи даражали дипломлари билан тақдирландилар. Тошкент халқ хўжалиги институтининг студенти Ж. Фаттоҳова эса ҳозиржавоблиги учун Харьков инженерлик-экономика институтининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

## Нашриёт туҳфаси

Биринчи синфда олти ёшли болалар билан ишлайдиган ўқитувчилар учун дарслик ва ўқув қўлланмалари босилиб чиқди. Ислоҳ қилинган мактаблар ўқув программалари асосида ҳозирланган бу китоблардан бири «Биринчи синфда математика» деб номланади.

Ушбу қўлланма авторлар коллективи томонидан тайёрланган. Қўлланма орқали турли методик усуллар асосида машғулотларни олиб боришга доир қисқача характеристика билан ҳам танишиш мумкин.

«Ўқитувчи» нашриёти бошланғич синфларда ўқитиладиган «Атроф-муҳит билан таништириш» курси бўйича янги қўлланмани ҳам кўп нусхада чоп этди. Иллюстратив материалларга бой ушбу китоб ўзбек ва рус тилларида босилди.

Бутуниттифоқ аёллар турнири • Тошкент тонги • 1986 • шашка бўйича

## ЗИНАИДА БЕЛКИНА ПЕШҚАДАМ

**кеча**

**Бутуниттифоқ аёллар турнирида тўртинчи тур ўйинлари ўтказилди.** Кейинги учрашувда ғолиб чиқиб пешқадамлар сафига ўтган Зинаида Белкина яна ажойиб маҳорат кўрсатди. У Татьяна Тетеринага қарши қора доналар билан ўйнаган бўлишига қарамасдан ташаббусни қўлга олиб, партияни ғалаба билан якунлади. Тўрт учрашувдан сўнг 2,5 очко тўплаган Зинаида Белкина якка пешқадам бўлиб олди.

Пешқадамлар сафида бораётган Елена Читайкина Ревекка Эстеркина билан дурангга рози бўлди. Ирина Иванова Людмила Петровага ютқазиб қўйди. Республикамизнинг яна бир вакили Зайнаб Сафина Светлана Устененкони енгди. Бошқа учрашувлар дуранг натижа билан якунланди.

## ЗАРБДОР ТИНЧЛИК ВАХТАСИ

**Тошкент заргарлик заводида Халқаро тинчлик йилига бағишланган меҳнат вахтаси бўлди.**

**Кўпгина дастгоҳларга анъанавий тинчлик кабутари сурати туширилган байроқчалар илинган. Корхона цехларида агитаторлар АҚШ авж олдираётган қуролланиш пойгасини тугатишга, ядро хавфини бартараф этишга қаратилган Совет Иттифоқининг янги тинчлик таклифлари тўғрисида суҳбатлар ўтказдилар.**

**Корхона меҳнаткашлари шу куни ғайрат-шижоат билан ишладилар. М. Ёқубов раҳбарлигидаги бригада аъзолари смена топшириғини бир ярим баравар ошириб бажардилар. Шу куни ишлаб топилган маблағ совет тинчлик фондига ўтказилди.**

(ЎзТАГ)

## „ОҚ ОЛТИН" — ВАТАНГА

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 21 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида).
Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | |
|---|---|---|
| ФАРҒОНА | 0,01 | 105,05 |
| ТОШКЕНТ | 0,01 | 104,38 |
| СУРХОНДАРЁ | 0,14 | 101,11 |
| НАМАНГАН | 0,07 | 100,16 |
| Сирдарё | 0,18 | 96,81 |
| ҚҚАССР | 0,14 | 92,11 |
| Андижон | 0,08 | 87,32 |
| Хоразм | 0,09 | 85,49 |
| Жиззах | 0,12 | 80,13 |
| Самарқанд | 0,07 | 75,36 |
| Бухоро | 0,02 | 74,61 |
| Навоий | 0,05 | 60,94 |
| Қашқадарё | 0,05 | 59,23 |
| Республика бўйича: | 0,07 | 87,09 |

## Маданий хизмат кўрсатилди

МЕҲНАТКАШЛАР дам олиш соатларининг мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида 10 ноябрдан 20 ноябргача бўлган даврда хўжаликларга 51 та бадиий ҳаваскорлик ва концерт бригадалари, 646 та кўчма кутубхона хизмат кўрсатди. Колхоз ва совхоз клублари, дала шийпонларида концерт бригадалари ва бадиий ҳаваскорлик коллективлари 150 та концерт қўйиб беришди. Шоирлар ва олимлар 20 та бадиий кеча, 86 та лекция ва суҳбатлар уюштирдилар. 84 та «Чақмоқ» ва «Жанговар варақа»лар чиқарилди.

## Тракторсозлар совғаси

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари пахта ташийдиган янги ярим прицеп яратдилар. Бу «оқ олтин» йиғим терими мавсумида пахта пунктидан пахта тозалаш заводларига «оқ олтин» ҳосилини етказиб беришда қишлоқ меҳнаткашларининг яқин ёрдамчиси бўлади.

«ТТЗ—39—20—10» маркали бу ярим прицеп ҳозир ялпи ишлаб чиқарилаётган прицеплардан анча афзалликлари билан фарқ қилади. Унинг кўтариш қуввати олти тоннадан саккиз тоннага, юк сиғими эса 32 кубометрдан 28 кубометрга етказилган. Кузовининг кўпгина узел ва деталлари такомиллаштирилганлиги янги техникани эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни анча осонлаштиради.

Яқин вақтларда янги прицеп ялпи ишлаб чиқаришга қўйилади.

# Ҳиндистон бўлажак визитни қутламоқда

ДЕҲЛИ. Сиёсат ва жамоат арбобларининг нутқларида, Умумҳиндистон радио ва телевидениесининг эшиттиришлари ва кўрсатувларида «Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон», «Дўстлик ва ҳамкорлик», «М. С. Горбачев, мамлакатимизга хуш келгайсиз!» сўзлари тез-тез тилга олинмоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Ҳиндистонга бўлажак расмий дўстона визити мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг диққат-марказида турибди. Кўп миллионли Ҳиндистон улуғ мамлакат раҳбарининг визитини сидқидилдан қутламоқда. Ҳиндлар Осиёда ҳам, бутун дунёда ҳам, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик идеаллари тантанаси учун ҳормай-толмай курашни Совет Иттифоқи билан боғламоқдалар.

Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорлик ҳинд халқи ҳаётидаги энг муҳим омилдир. Совет Иттифоқи дўстлари жамиятининг ташаббуси билан Ҳиндистон пойтахтида ўтказилган «М. С. Горбачев визити — Совет-Ҳиндистон муносабатларида янги босқичдир» мавзуидаги конференция қатнашчиларининг нутқида ана шу фикр янгради. «Совет раҳбарининг мамлакатимизга визити ғоят катта аҳамиятга эгадир, — деди ўз нутқида ҳукмрон Ҳиндистон миллий конгресси (И) партияси Умумҳиндистон комитети халқаро бўлимининг мудири Ромеш Бхандари. — Бу визит ана шу мамлакатлар раҳбарлари ҳамма жабҳаларда мамлакатларнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўлидан бораётганликлари натижасида ана шу икки давлатда рўй бераётган жиддий сифат ўзгаришлари шароитида ўтади».

М. С. Горбачевнинг бўлажак визитини 200 дан ортиқ таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, олимлар, журналистлар қизғин қутламоқдалар. Улар бу ерда тарқатган қўшма баёнотда совет раҳбарининг визити, унинг Ҳиндистон Бош министри Р. Ганди билан олиб борадиган музокаралари урушларсиз дунёда яшашга интилаётган инсониятнинг идеалларига эришишда катта аҳамиятга эга бўлади, деб таъкидланди. «Бу идеалларни амалга ошириш учун кураш халқаро реакция кучлари қуролланиш пойгасини космик фазога ёйишга уриниши муносабати билан яна ҳам кучаймоқда. Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон ана шу йўналишда илгари сураётган таклифлар Ер юзидаги барча мамлакатларнинг эзгу орзу-умидларига мос тушади», дейилади баёнотда.

«М. С. Горбачев Ҳиндистонда ниҳоятда самимий меҳмоннавозлик билан кутиб олинади, — деди ТАСС мухбири билан суҳбатда таниқли ҳинд ёзувчиси Бхишам Сахни. — Кўпгина халқаро проблемалар хусусида, чунончи тинчлик учун кураш масаласида мамлакатларимизни қарашларнинг бирлиги жипслаштириб турибди. Биз ҳамжиҳатликда Ер юзининг барча минтақаларидаги халқларнинг мустақиллиги ва суверенитети ҳуқуқини ҳимоя қилмоқдамиз. Халқларимиз ва мамлакатларимизни яқинлаштирган омиллар қаторида Ҳиндистон, айниқса муҳтож бўлиб турганида Совет Иттифоқи унга кўрсатган беғараз ёрдамни, мустаҳкам маданий алоқаларни, актив ҳамкорлик туфайли яна ҳам мустаҳкам бўлиб бораётган ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни ҳам айтиб ўтиш керак».

**Борис ЗАЙЦЕВ, Станислав СИЧЕВ. ТАСС мухбирлари.**

